

332 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган.

2021 йилда 84 та туман ва шаҳарда саноат салоҳиятини янада ошириш учун 100 та технопарк, кичик саноат зоналари, худудий кластер ва логистика марказлари ташкил этилади.

2021 йилда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини зарур инфратузилмалар билан таъминлаш учун 1,6 триллион сўм йўналтирилди [10].

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда сўнгги йилларда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тенденцияси ўсиб бормоқда. Уларда ташқи савдо ва инвестиция муносабатлари ривожланиб Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ҳамда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қув-

ватларининг ташкил этилишига эришилмоқда. Қувонарлиси, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ўсмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича шарт-шароитлар яратиш жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур вазифаларни амалга оширишда айниқса, эркин иқтисодий зоналарни барпо этиш ижобий натижаларга олиб келиши жаҳон тажрибасидан маълум, шунинг учун ҳам мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолиятининг янада такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар, амала оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва қуриб битказилган янги саноат маъжмуалари билан танишиш мақсадида 2019 йил 28 декабрь куни ушбу вилоятга ташрифи материалари. // Халқ сўзи, 2019 йил 29 декабрь.
2. Ўша ерда.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
4. Фармацевтика тармоғидаги лойиҳалар кўриб чиқилди. // Янги Ўзбекистон, 2021 йил 7 сентябрь.
5. Сапиев У. Янги лойиҳалар – минглаб иш ўрни демакадир. // Янги Ўзбекистон 2021 йил 20 август, 168-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари асосида тузилди.
7. Мардиев Б. Кичик саноат зоналарининг катта имкониятлари. XXI аср. 2020 йил 28 май.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати. Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолияти қониқарлами? //Халқ сўзи, 2019 йил. 6 февраль.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисига Муражгаатномаси. (2020 йил 29 декабрь). XXI аср. 2020 йил 31 декабрь.
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тегишили йиллар учун статистик тўплам маълумотлари асосида тузилган.
12. Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишиланган мантанали маросимидағи нутқи. // Халқ сўзи, 2021 йил 1 сентябрь.
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашуведа сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 2021 йил 21 август.

## ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШДАГИ РИСКЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Султанов Рустам Бегдуллаевич -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Аннотация:** Мақолада инвестицион лойиҳаларни молиялашда юзага келадиган банк рискларини тартибга солишининг амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Ҳусусан, инвестицион лойиҳа доирасида техника-технологиялар импорти учун хорижий корреспондент банкнинг субсидияланган ресурсини жалб этиш тақлиф этилган. Шунингдек, хорижий корреспондент банк билан «доллар-сўм» кредит шартномаси асосида ресурс жалб қилиш орқали инвестицион лойиҳани сўмда молиялаштириш механизми ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** инвестицион лойиҳа, лойиҳани молиялаштириш, риск, рискни тартибга солиш, экспортёр, импортёр, субсидия, «доллар-сўм».

## ПУТИ РЕГУЛИРОВАНИЯ РИСКОВ ПРИ ФИНАНСИРОВАНИИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ

Султанов Рустам Бегдуллаевич -  
Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются практические аспекты регулирования банковских рисков, возникающих при финансировании инвестиционных проектов. В частности, предлагается привлечь субсидированный ресурс иностранных банков-корреспондентов для импорта технологий. Также разработан механизм финансирования инвестиционного проекта в местной валюте путем привлечения ресурсов на основе кредитного соглашения «доллар-сўм» с иностранным банком-корреспондентом.

**Ключевые слова:** инвестиционный проект, проектное финансирование, риск, регулирование рисками, экспортёр, импортёр, субсидия, «доллар-сўм».

## WAYS OF REGULATING RISKS IN FINANCING INVESTMENT PROJECTS

**Sultanov Rustam Begdullayevich -**  
Tashkent State University of Economics

**Abstract:** This article examines practical aspects of regulation of bank risks arising from financing investment projects. In particular, it is proposed to attract a subsidized resource of foreign correspondent banks for importing technologies. Also, a mechanism for financing an investment project in local currency by attracting resources on the basis of a "dollar-sum" loan agreement with a foreign correspondent bank has been developed.

**Keywords:** investment project, project financing, risk, risk management, exporter, importer, subsidy, "dollar-sum".

**Кириш.** Сўнгги йилларда мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун солиқ имтиёзларини кенгайтириш, солиқса тортис тизимини соддалаштириш ҳамда соғлом рақобат мұхитини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали, таъсирчан солиқ сиёсатини юритиш орқали республика нинг инвестицион салоҳияти ва имиджини оширишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида «инвестиция мұхитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва худудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш» [1] каби вазифалар белгилаб берилди. Шундан келиб чиқиб, «иктисодий жиҳатдан асослантирилган инвестиция лойиҳаларини уларнинг молиялаштириш манбалари аниқ белгиланган ҳолда самарали амалга оширилишини таъминлайдиган, шунингдек, уларни амалга ошириш бўйича маблағларнинг нооқилона сарфланишини истисно этадиган, мамлакатни ривожлантириш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг сифат жиҳатдан янги тартиби жорий этилди»[2].

Аммо, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган дастлабки сай-ҳаракатлар кутилган натижага тўлиқ эришиш имконини бераётгани йўқ. Бунга асосан, ҳар томонлама пухта ўйланган инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларининг чўзилиб кетаётганини ҳамда аниқ белгиланган графикдан кечикиши сабаб бўлмоқда. Натижада, хомаше ва қурилиш таннархининг кескин ошиши ўз навбатида, инвестицион лойиҳа сметаси ва жорий харажатлар ўртасидаги номувофиқликни юзага келтирмоқда. Мазкур жиҳатлар инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш хусусан, молиялаштириш жараёнларидаги риск ва муаммоларнинг илмий тадқиқ этиш зарурлигини оширади. Бу эса, танланган мавзуу долзарблигини белгилайди.

**Мавзуга оид адабиётлар шархи.** Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги рискларни тартибга солиш амалиётини ривожлантириш имкониятлари маҳаллий ҳамда хо-

рижлик иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларида атрофлича ёритилган. Хусусан, ҳалқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи ҳалқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташки қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш каби масалалар тадқиқ этилган.

Маҳаллий иқтисодчи олим проф Н.Ф.Каримов «Инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш»га доир илмий тадқиқотларида инвестицион фаолиятни қимматли қофозлар бозори ва тижорат банклари орқали молиялаштириш механизмини такомиллаштириш ҳамда қимматли қофозларнинг инвестицион жозибадорлиги таҳлилига қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширган[3].

Ў.Ҳайдаров томонидан мавзуу доирасида қатор изланишлар олиб борилган. Жумладан, Ў.Ҳайдаровнинг илмий тадқиқотларида «инвестиция фаолиятини молиялаштиришда йирик корхоналар акцияларини маҳаллий ва хорижлик инвесторларга ҳалқаро «bookrunner» компаниялари билан синдикатлашган ҳолда очиқ бозорларда оммавий сотишини жорий этиш орқали кенгайтириш» бўйича таклифлар ишлаб чиқилган [4].

К.Хомитов ва И.Хайруллаевлар томонидан амалга оширилган илмий изланишларда қўйидаги жиҳатлар кўриб чиқилган: «Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун инвестицияларни жалб қилиш ҳал қиувчи аҳамиятга эга. Бу аввалимбор аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш каби мұхим ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам хорижий инвестицияларни фаол жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарур шароитларни яратиб бериш долзарб масалалардан бири ҳиббланади» [5].

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда ишончли манбалардан фойдаланиш ва шу орқали банк рискларини тенг тақсимлаш бўй-

йича амалга ошириладиган операциялар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу каби амалиётлардан бири бу – синдициялашган кредитлардир.

Синдициялашган кредит бу – маҳсус банк маҳсулоти бўлиб, икки ва ундан ортиқ банклар томонидан қарздорга йирик ҳажмда ва узоқ муддатга пул маблағларини қарзга бериш орқали ўзларининг кредит портфелларини диверсификациялаш ва кредит рискларини самарали бошқариш имкониятини берувчи кредит шаклидир[6].

Ж.Раззақовнинг фикрига кўра, «синдициялаштирилган кредитнинг бошқа кредитлардан фарқли жиҳати лойиҳавий молиялаштириш ҳам синдикатланиши мумкин. Бу тартибдаги кредитлашда оддий кредитлашдан фарқли ўлароқ бир нечта кредитор иштирок этади ҳамда ушбу кредитлаш тури орқали қарз олувчилар ўzlари учун жуда муҳим бўлган йирик миқдордаги кредитларни олишга муваффақ бўлишади. Эслатиб ўтиш жоизки, ҳеч қайси банк алоҳида ушбу суммада ва рискда кредит беришни хоҳламаслигидан ташқари, имконияти ҳам етмаслиги мумкин».

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда мижознинг молиявий имкониятлари ва лойиҳани амалга оширишнинг иқтисодий шароитларини скоринг таҳдил қилиш муҳим ҳисобланади. Хусусан, «Банклар фаолиятида қўлланилайдиган замонавий усуллардан бири бўлган кредит скоринг мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқ ва чуқурроқ баҳолаш йўли билан кредитнинг қайтмаслиги билан боғлиқ йўқотишларнинг олдини олиш имконини беради. Кредитлар билан боғлиқ рискларни баҳолаш усуллари ва тамойилларини ўзгартириш орқали уларни камайтириш ва кредитларнинг ўз вақтида банкка қайтишини таъминлаш соҳасида хорижий банклар амалиётида қўлланилаётган мижознинг кредитга лаёқатлилигини скоринг баҳолаш усулини республикамиз банклари амалиётига жорий қилишни йўлга қўйиш мижознинг молиявий ахволи ва унинг кредит тарихига оид масалаларни чуқур таҳдил қилган ҳолда унга тезкор кредит бериш ва кредит билан боғлиқ рискни камайтириш имкониятини юзага келтиради» [7].

Н.Мавлоновнинг таъкидлашича, «Бу борадаги ишларни самарали амалга ошириш йўлида «Кредитга лаёқатлилик таҳлилини скоринг модели» номли такомиллаштирилган электрон дастур яратилди ҳамда унга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан гувоҳнома олинди (№DGU 05087. 05.03.2018 й.). «Кредитга лаёқатлилик таҳлилини скоринг модели» номли такомиллаштирилган электрон дастур корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини иккита муҳим жиҳат асосида 5 та синфга ажратиб баҳолаб беради:

1. Молиявий кўрсаткичлар (ликвидлилик кўрсаткичлари, баланс ликвидлилиги, айланувчанлик кўрсаткичлари, самарадорлик кўрсаткичлари, барқарорлик кўрсаткичлари ва Альтман модели) асосида баҳолаш;

2. Номолиявий кўрсаткичлар (умумий кредит тарихи, кредит таъминоти, лойиҳанинг реаллиги, товарнинг рақобатбардошлиқ дараҷаси, бизнес обрўси) асосида баҳолаш.

Корхонанинг кредитга лаёқатлилигига молиявий кўрсаткичлар асосида 100 балл ва номолиявий кўрсаткичлар асосида 100 балл умумий 200 балл билан баҳоланади» [8].

**Тадқиқот методологияси.** Хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг мавзуга доир ёндашув ва қарашларини тадқиқ этиш ҳамда улрга нисбатан муаллифлик муносабатини билдириш асосида мазкур мақола шакллантирилди. Шунингдек, бугунги кунда ҳалқаро ва республика миқёсида инвестицион лойиҳаларни молиялашда юзага келадиган риск ва муаммоли жиҳатлар таҳдили асосида мақоланинг мазмун ва моҳияти очиб берилди. Ушбу тадқиқотни амалга оширишда қиёсий баҳолаш ва илмий абстракциялаш, тизимли таҳдил усуllibаридан фойдаланилди.

**Таҳдил ва натижалар.** Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти инвестициялар оқимига бевосита боғлиқ бўлади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, хусусан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилиш, соҳа ва тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда йирик ҳажмдаги инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Аммо, таҳдиллар натижаси кўрсатмоқда, маҳаллий ва хорижий маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган бир қатор лойиҳаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари паст даражада эканлиги ёки муваффақиятсизликка учраётганини бу борадаги лойиҳанинг иқтисодий шароитларидан тортиб банклар томонидан молиялаштириш шартларигача бўлган жараёнларни чуқур таҳдил қилиш заруратини юзага келтирмоқда.


Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда юзага келиши мумкин бўлган баъзи рискларни тартибга солиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди. Хусусан, тадқиқотда инвестицион лойиҳа доирасида техника-технологиялар импорти учун лойиҳани молиялаштирувчи маҳаллий банк ташаббуси остида инвесторга хорижий корреспондент банкнинг субсидияланган ресурсини жалб этиш бўйича амалий таклиф ишлаб чиқилди ва бу Ўзбекистон Рес-

публикаси акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан Бошқарув Кенгашининг 2020 йил 13 февралдаги 19-сонли қарори билан амалиётга жорий этилди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги деярли барча тижорат банклари хорижий банклар ва жамғармалардан ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида хорижий валютадаги кредитларни жалб қилмоқдалар. Бунда, банклар томонидан жалб қилинган ресурсларнинг салмоқли қисми мамлакатдаги йирик инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, аксарият тижорат банклари инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда инвесторлар манфаати учун ҳам алоҳида чора-тадбирлар механизмини ишлаб чиқишмайди. Фақатгина банкнинг манфаати ва паст рискли шароитда инвестицион кре-

дитлардан барқарор фоизли даромадлар тушумини таъминлашга ҳаракат қилишади. Ваҳоланки, маҳаллий тижорат банкларида хорижий ҳамкорлари билан ўзаро келишувлар ва меморандумлар орқали инвесторлар манфаатига хизмат қилувчи, уларнинг инвестицион лойиҳаларини молиявий рафбатлантириш кўламини кенгайтирувчи механизмларни йўлга кўйиш имкониятлари мавжуд.

Деярли барча йирик инвестицион лойиҳалар доирасида инвесторлар томонидан замонавий техника ва технологиялар импорти амалга оширилади. Тадқиқотда инвесторнинг айнан мазкур турдаги импорт операциялари учун маҳаллий тижорат банкларининг хорижий ҳамкорлардан субсидияланган ресурс жалб қилиш имконияти тадқиқ этилди (1-расм).



**1-расм. Маҳаллий банк ташаббуси остида инвесторнинг лойиҳа доирасидаги техника-технологиялар импортини хорижий корреспондент банкнинг субсидияланган ресурси асосида молиялаштириш механизми**

**Манба:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бу ерда:

1. Импортёр ва Экспортёр ўртасида товар ва хизматларни етказиб бериш бўйича шартнома имзоланади.

2. Банк мижози (импортёр) банкка учрашиб етказиб берувчи (экспортёр) билан тузилган импорт шартнома асосида лойиҳани молиялаштиришни (кредит ажратишни) сўраб мурожаат қиласи.

3. Маҳаллий банк томонидан мижоз лойиҳасини молиялаштириш мақсадида Россия банкига мурожаат қилинади.

4. Ушбу лойиҳани молиялаштириш мақсадида 2 та банк ўртасида келишув имзоланади.

5. Маҳаллий тижорат банки, Россия тижорат банки ва Экспортёр томонидан Россия Федерацияси экспортини қўллаб-куватлаш агентлигидан субсидия олиш бўйича Бош шартнома имзоланади.

6. Маҳаллий тижорат банки, Россия тижорат банки ва Экспортёр томонидан Россия Федерацияси экспортини қўллаб-куватлаш агентлигига субсидия олиш мақсадида

мурожаат қилинади.

7. Россия Федерацияси экспортини қўллаб-куватлаш агентлиги томонидан Россия тижорат банкига субсидия маблағлари ўтказилади.

8. Россия тижорат банки томонидан субсидияланган фоизда маҳаллий тижорат банкига кредит маблағлари ўтказиб берилади.

9. Маҳаллий тижорат банки томонидан субсидияланган фоиз ставкаси қўллангани ҳолда лойиҳанинг импорт операциялари учун қисми кредит шартлари асосида молиялаштирилади.

10. Импортёр томонидан товар ва хизматларни етказиб бериш мақсадида пул маблағлари Россиялик экспортёр ҳисоб рақамига ўтказилади.

11. Товар ва хизматлар импорт қилиниб етказиб берилади.


1-расмдан кўриш мумкинки, мазкур вазиятда маҳаллий тижорат банки нафақат инвестицион лойиҳани молиялаштиришдаги банк рискларини камайтиришни балки, инвесторни имтиёзли шартлар асосида молиялаштиришни ҳам кўзлаб иш тутмоқда.

Энди ушбу амалиётни рақамларда таҳлил қилиб ўтсак. Ўзаро имзоланган келишувга мувофиқ маҳаллий банк Россиядаги банқдан йиллик 4,5 фоиздан кредит жалб қилишни режалаштиради. Маҳаллий тижорат банки, Россиядаги тижорат банки ва Экспортёр томонидан Россия Федерацияси экспортини қўллаб-куватлаш агентлигига субсидия олиш мақсадида мурожаат қилинади. Ўз навбатида, субсидия олиш бўйича Бош шартномага мувофиқ, Россия экспортини қўллаб-куватлаш агентлиги Россиядаги банкка Ўзбекистон банки учун ажратилган 4,5 фоизлик кредитнинг 3,25 фоизлик бандини субсидия тариқасида ўтказиб беради. Шундан сўнг, Россиядаги тижорат банки ажратилган кредитнинг 3,25 фоизлик субсидияланган қисмини чегириб, Ўзбекистондаги тижорат банкига йиллик 1,25 фоизда кредит маблағларини ўтказиб беради. Ўз навбатида, Ўзбекистондаги тижорат банки ўзининг 3 фоизлик маржасини қўшиб инвесторнинг лойиҳа доирасидаги импорт операцияларини йиллик 4,25 фоизда молиялаштиради. Шунда, инвестор аслида йиллик 7,5 фоизлик кредитнинг ўрнига 3,25 фоизи субсидияланган 4,25 фоизлик кредит маблағларига эга бўлади.

Бундан ташқари олиб борилган тадқиқотлар натижасида, тижорат банки томонидан инвестицион лойиҳани молиялаштиришда валюта

курси рискини тартиба солиш ҳамда иқтисодиётда долларлашувни олдини олиш мақсадида хорижий корреспондент банк билан «доллар-сўм» кредит шартномаси асосида ресурс жалб қилиш орқали инвестицион лойиҳани сўмда молиялаштириш механизми таклиф этилди. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилинди ва Бошқарув Кенгашининг 2020 йил 4 марта 27/1-сонли қарори билан амалиётга жорий этилди.

Тадқиқотда илгари сурилган таклифдан келиб чиқиб амалга оширилган чора-тадбирлар асосида АТ Халқ банки (Ўзбекистон) ҳамда Совкомбанк (Россия Федерацияси) ўртасида АҚШ доллари эквивалентида миллий валюта (сўм)да деноминалланган кредит линияси жалб қилинди. Бунда, Совкомбанкнинг кредит маблағлари АТ Халқ банкига келиб тушган санасидаги АҚШ долларининг сўмга нисбатан курси миқдорида ҳисобланниб (бу асосий қарз суммаси ҳисобланади), кредитнинг асосий қарзини ҳамда фоизларини тўлаш қайтариш саналаридаги миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан курси асосида амалга оширилади. Ўз навбатида, икки банк ўртасида имзоланган Бош шартномага мувофиқ хорижий валюта риски иккинчи томон (Совкомбанк)да қолади.



**2-расм. Банк томонидан инвестицион лойиҳани молиялаштиришда валюта курси рискини тартиба солиш ҳамда иқтисодиётда долларлашувни олдини олиш мақсадида хорижий корреспондент банк билан «доллар-сўм» кредит шартномаси асосида ресурс жалб қилиш орқали лойиҳани сўмда молиялаштириш механизми**

**Манба:** Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бу ерда:

1. Тижорат банки (Банк) ва Россия банки (Кредитор) ўртасида кредит шартномаси (Шартнома) имзоланади.
2. Банк Кредиторга кредит олиш аризаси билан мурожаат қиласида ва АҚШ долларининг

сўмга нисбатан кўрси тасдиқланади (ариза санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг АҚШ доллари курси).

3. Кредитор маблағларни Банкка АҚШ долларида ўтказиб беради.
4. Ушбу валюта маблағларини Банк Валю-

та биржаси орқали ёки бошқа тижорат банкларга тўғридан-тўғри сотиш орқали кредит шартномаси бўйича келишилган курсдан кам бўлмаган курсда миллий валютага конвертация қиласди.

5. Банк ўз мижозларига сўмда кредит ажратади.

6. Банк мижозлари олган кредитлари бўйича фоиз ва асосий қарз тўловларини сўмда амалга оширади.

7. Банк мазкур маблағларни Шартномада белгиланган тўлов муддатларигача Валюта биржаси ёки бошқа тижорат банклари орқали АҚШ долларига конвертация қиласди.

8. Банк олган кредити бўйича тўловларни Кредиторга АҚШ долларида амалга оширади (тўлов қунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг АҚШ доллари курси бўйича).

Энди ушбу амалиётни рақамларда таҳлил қилиб ўтсак. Ўзаро имзоланган келишувга мувофиқ АТ Халқ банки (Ўзбекистон) Совкомбанкдан (Россия Федерацияси) йиллик 15 фоиздан, 4 йил муддатга 40 млн. АҚШ долл. (Миллий валютадаги шартнома суммаси – 418.900.400.000,0 сўм (02.04.2021 йил ҳолатига 1\$=10.472,51 сўм)) миқдоридаги кредит маблағларини жалб қилди.

Қарзни қайтариш графиги қуйидагicha бўлади:

Асосий қарзни қайтарилиши – 418.900.400.000,0 сўм (27,93 млн. АҚШ долл. қайтарилиди) (01.04.2025 й. даги тахминий курс 1\$=15.000,00 сўм).

Фоизларни тўланисиши – 5.236.255.000,0 сўм (498,25 минг АҚШ долл. тўланади) (01.05.2021 й. даги курс 1\$=10.509,11 сўм).

– 5.236.255.000,0 сўм (495,47 минг АҚШ долл. тўланади) (01.06.2021 й. даги курс 1\$=10.568,21 сўм).

01.04.2025 йил санасигача шу график асосида давом этади.

Умуман олганда, ушбу таклифнинг муҳим жиҳатларидан бири бу – хорижий валютадаги ресурсларнинг конвертация қилиниб маҳаллий инвесторларга миллий валютада кредитлар сифатида ажратилиши бўлиб, мазкур жараён иқтисодиётда долларлашув даражасини қисқартиргани ҳолда сўмнинг харид қувватини ошириш имконини беради. Шунингдек, инвестицион лойиҳаларни миллий валютада молиялаштирилиши инвесторларни валюта курси рискидан ҳимоялайди ва бу орқали лойиҳа қийматига салбий таъсирилар олди олинади.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда банк рискларини тартибга солиш амалиётига иқтисодий ва сиёсий омиллар ҳам таъсири этади. Ҳусусан, инфляция даражасининг юқорилиги, корхоналар тўловга лаёқатлилик даражасининг пастлиги, банклар ресурс базасининг заифлиги лойиҳаларни молиялаштиришга

салбий таъсири этувчи умумий сабаблардир.

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мураккаб жараён бўлганлиги сабабли, уни муваффақиятли амалга оширишда ҳукумат томонидан яратилган имкониятлар етарли эмас. Чунки, инвестиция лойиҳалари турли ноаниқликлар, рисклар билан боғлиқ. Лойиҳаларни молиялаштиришда риск турларини аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимлаш ҳамда рискларни камайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш лойиҳа самарадорлигига ижобий таъсири кўрсатади. Ҳар бир муваффақиятли амалга ошган лойиҳа эса республика иқтисодиётига ижобий ҳисса қўшади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, инвестиция рискларини бошқаришнинг мазмуни, моҳияти, бошқаришдаги вазифалар, рискларни пасайтириш йўларини ҳамда усуllibарини билиш ҳар бир лойиҳа қатнашчилари ва инвесторлар учун жуда муҳим ҳисобланади.

**Хулоса ва тақлифлар.** Рискларни лойиҳа қатнашчилари ўртасида тақсимлаш молиявий режа ва шартнома ҳужжатларини ишлаб чиқиш давомида амалга оширилади. Рискларни сифат ва миқдор жиҳатдан тақсимлаш мумкин. Рискларни сифат жиҳатдан тақсимлашда лойиҳа қатнашчилари уларга тегишли бўлган у ёки бу рискларни кўпайтириб ёки камайтирган ҳолда қарор қабул қиласидилар. Лекин бунда, масалан, инвесторларга қанчалик юқори рисклар тақсимланиши кўзда тутилса, шунчалик уларни лойиҳага жалб қилиш қийинроқ бўлади.

Фикримизча, тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда юзага келадиган банк рискларини тартибга солиш амалиётини ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Аввало тижорат банклари инвестор томонидан инвестицион лойиҳани молиялаштириш бўйича ёзган аризасидан келиб-чиқиб, дастлабки босқичга тизимли тарзда ёндашиши зарурдир. Бунда, инвестицион маблағлардан фойдаланиш устидан дастлабки назоратни тўғри ва мукаммал амалга ошириш, яъни, биринчи навбатда, мижознинг характеристига, унинг молиявий аҳволига, ушбу соҳадаги тажрибасига ҳамда лойиҳанинг сифат кўрсаткичлари ҳолатига алоҳида эътибор бериши лозим.

2. Инвестицион лойиҳа молиялаштирилгандан кейинги даврда лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ишларни, лойиҳага ажратилаётган маблағлар мақсадли сарфини доимий равишда таҳлил қилиб бориш, лойиҳа ишга туширилгандан сўнг даромадлар киримини ўз муддатида амалга оширилиши, муддати ўтган дебиторлик-кредиторлик қарздорликларига йўл қўймаслик чораларини қўриб бориши зарур.

3. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнида юзага келадиган банк рискларини тартибга солишда ички ва ташқи омиллар таъсирини алоҳида эътиборга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Зеро, юзага келган банк рискларини тартибга солишга таъсир этувчи ички омиллар сирасига банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминланганлиги, аҳоли ва мижозлар олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажариш имкониятининг мавжудлиги ва уларнинг ишончи мустаҳкамланганлигини, банкларнинг иқтисодий жиҳатдан тегишли иқтисодий

манфаатдорликни олиши ва шу каби бошқа жиҳатларни киритиш мумкин.

4. Банк рискларини тартибга солишга таъсир этувчи ташқи омиллар сифатида мамлакат макроиктисодий барқарорлигининг таъминланганлиги, иқтисодий ўсишга банк тизимининг ижобий таъсири, миллий валютанинг харид қобилиятини мустаҳкамланиши ва инфляциянинг мақсадли кўрсаткичлари таъминланганлиги, мамлакат савдо ва тўлов балансида ижобий қолдиқнинг вужудга келиши каби жиҳатларни келтириш мумкин.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июндаги «Халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини бошқариш механизмини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3796-сонли қарори. ҚҲММБ: 07/18/3796/1379-сон. 22.06.2018 й.
3. Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизmlарини жорий этиши масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2007. – 240 б.
4. Ҳайдаров Ў.А. Миллий иқтисодиёт доирасида инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизмини тақомиллаштириш. / Дис. ...иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2020. 8-б.
5. Хомитов К.З., Хайруллаев И.Н. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2019 й.
6. Раззақов Ж.Х. Инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштириш механизмини тақомиллаштириш. / Дис. ...иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2018. 12-б.
7. Абдуллаева Ш.З. Кредитлашда скорингни қўллаш амалиёти. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. №1, февраль, 2017 й.
8. Мавлонов Н.Н. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг моделини тақомиллаштириш. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 4, 2018 й.

## MILLIY IQTISODIYOTGA XORIJUY INVESTITSIYALARINI JALB QILISHNING XORIJ TAJRIBALARI

*Hoshimov Jahongir Ravshanbek o'g'li -  
Toshkent moliya instituti mustaqil tadqiqotchisi*

**Annotatsiya.** Maqolada xorijiy investitsiyalarning jalb qilishning zarurligi va ahamiyati milliy iqtisodiyotni rivojlantirishga ta'siri ochib berilgan, xorijiy investitsiyalarini milliy iqtisodiyotga jab qilishning xorij tajribalari jumladan, Xitoy tajribasi o'r ganilgan. Xorijiy investitsiyalarini jalb qilish usullari va shakillari o'ziga xos xususiyatlari, iqtisodiy taraqqiyotga ta'siri, xorijiy investitsiyalarini jalb qilishda investitsiya muhit jozibadorligi omili kabilar tadqiq qilingan. Milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarini jalb qilish bo'yicha xorij tajribalariga asoslangan holda uni takomillashtirishga qaratilgan ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

**Tayanch so'zlar:** Investitsiya, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar, erkin iqtisodiy hududlar, chet el investitsiyalari, texnik iqtisodiy rivojlanish zonalari, erkin savdo zonalari.

## ПРИВЛЕЧЕНИЕ ЗАРУБЕЖНОГО ИНВЕСТИЦИОННОГО ОПЫТА В НАЦИОНАЛЬНУЮ ЭКОНОМИКУ

*Хошимов Джаконгир Равшанбек угли -  
самостоятельный соискатель Ташкентского финансового института*

**Аннотация.** В статье объясняется необходимость и важность привлечения иностранных инвестиций для развития национальной экономики, исследуется зарубежный опыт, в том числе опыт Китая по привлечению иностранных инвестиций в национальную экономику. Изучены особенности методов и форм привлечения иностранных инвестиций, влияние на экономическое развитие, привлекательность инвестиционного климата при привлечении иностранных инвестиций. На основе зарубежного опыта привлечения иностранных инвестиций в национальную экономику разработаны научные предложения и практические рекомендации по ее совершенствованию.

**Ключевые слова:** инвестиции, прямые иностранные инвестиции, свободные экономические зоны, иностранные инвестиции, зоны технико-экономического развития, зоны свободной торговли.